

УДК 595.798

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҲАҚИҚИЙ АРИЛАРИНИНГ (*VESPIDAE*) ТУР ТАРКИБИ

Абдуллаев Ў.Р - б.ф.ф.д., Урганч давлат университети, Урганч.
Джуманиязова М.П – катта ўқитувчи, Урганч давлат университети,
Урганч.

Дўсов Х.Ж - ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч.

Аннотация. В данной статье дана информация о видовом составе осы настоящие *Vespidae*.

Дунёда аҳоли сонининг ортиши билан антропоген омил таъсирида атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши ва бунинг оқибатида биологик хилма-хилликнинг ва табиий ресурслар камайиши, жумладан, ҳайвонот дунёси ресурсларини хилма-хиллигининг камайиши ёки ортишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда, табиий экосистемалар кескин ўзгаришга учраётган ҳудудларда тарқалган ариларнинг таксономик таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва тарқалиши уларнинг замонавий экологик ҳолатини аниқлаш услубларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг хўжаликдаги аҳамияти ёки зарарини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Кўпгина ҳолатларда ариларнинг инсонларга ҳужуми ҳам аниқланмоқда. Бундай ҳолатларда арилар ҳужумини олдини олиш, уларнинг ҳужумига қарши аттрактант тутқичлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ҳайвонот дунёси ресурсларидан оқилона фойдаланишни ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳозирги антропоген омил таъсири кучайган ва табиий экосистемалари ўзгаришга учраётган даврда ҳудуд ҳайвонларини фаунистик таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Экотизимдаги ҳайвонларнинг муҳим гуруҳларидан бири бўлган сариқ ариларнинг ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаш, фаунистик таркибини таҳлил қилиш, тарқалиши, хўжалик аҳамияти ва зарарини ўрганишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги илмий хулосаларни асослаш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Vespidae оиласи вакиллари тур сони жиҳатдан пардақанотли ҳашаротлар туркуми ичида энг каттаси ҳисобланади. Дунё фаунасида ариларнинг 4800 дан ортиқ тури маълум бўлиб, (262 авлод, 6 кенжа оила), Полеарктикада 81

авлодга мансуб 1046 тур, Россияда бугунги кунда 31 авлодга мансуб 147 турлари учрайди (Курзенко, 1995; 2012).

Табиий комплексда ҳақиқий арилар ҳашаротлар гуруҳи сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу оила вакиллари тўғрисида республика ва хорижий давлатларнинг адабиётларида кам маълумотлар келтирилган.

Арилар муаммоси бўйича илмий-тадқиқотлар хорижлик олимлар К. Martius, Michael S. Engel, M. E. Archer, R. Dresden, J. Carpenter, R. Edwards, Grinstead, J. Field, J. Gusenleitner, R. J. Harris, J. Hutcheson, A. Sumana томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида Р. Ю. Абашев, Н. В. Курзенко, В. И. Тобиаслар, В. В. Дубатовлов, Ж. И. Агафонова, М. Брайн, А. А. Бируля И. А. Артемов, А. К. Лихотин, О. Ф. Гробов ва бошқаларнинг илмий асарларида ариларнинг тарқалиши, экологияси, уларнинг шаклланиши, хўжаликдаги аҳамияти ва зарари бўйича тадқиқот ишларни кузатиш мумкин.

Республикада асарилар бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳақиқий арилар (*Vespidae*) бўйича фундаментал тадқиқотлар умуман олиб борилмаган. Шу боис арилар масаласи бўйича ЎзР ФА Зоология институти, Хоразм Маъмун академиясида кенг қамровли илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Хоразм воҳасида ҳақиқий ариларининг (*Vespidae*) тур таркибини ўрганиш ишлари 2019 йил март-апрель ойлари давомида ҳам антропоген шароитда ҳам табиий шароитда амалга оширилди.

Ариларни тутишда анаънавий услуб энтомологик матрап ёрдамида амалга оширилди. Материалларни йиғишда Мерик тутқич идишидан ҳам фойдаланилди (Голуб, 2012). Тадқиқотлар давомида 3 та турга мансуб 100 дан ортиқ арилар ушланди. *Vespidae* ариларининг тур таркибини индентификация қилиш ишлари хорижий олимларнинг солиштирма жадвалларидан ва ҳашаротлар каталогидан фойдаланилди (Stephen, 2006)

КЕНЖА ОИЛА: *POLISTINAE* АВЛЮД: *POLISTES*

Тур: *Polistes dominula* (Christ, 1791)

Танасининг тузилиши: Олд қанотининг узунлиги: 9,5-13,0 мм (♀♀), 8,5-12,0 мм (♂♂) Сарик-қора рангли.

Тарқалиши: Шимолий Африка, Исроил, Эрон, Афғонистон, Покистон, Сурия, Туркменистон, Туркия, Ўзбекистон, Шимолий Ҳиндистон

КЕНЖА ОИЛА: *VESPINAE* АВЛЮД: *VESPULA*

Тур: *Vespula germanica* (Fabricius, 1793)

Танасининг тузилиши: танасининг узунлиги: 18,0 мм (♀♀), 12,0-15 мм (♂♂) Сарик-қора рангли, нуқтали.

Тарқалиши: Қозоғистон, Монголия, Хитой, Корея, Япония, Ўзбекистон.

Тур: *Vespula rufa* (Linnaeus, 1758)

Танасининг тузилиши: танасининг узунлиги: 15-17 мм (♀♀), 13-17 мм (♂♂)

Тарқалиши: Европа, Россия, Кавказ, Эрон, Қозоғистон, Туркия, Ўзбекистон, Непал, Монголия, Хитой, Корея, Япония, Шимолий Америка.

Олиб борилган тадқиқотлар илк тадқиқотлар бўлиб, келусида Хоразм воҳаси *Vespidae* оиласи тур таркибини тўлиқ ўрганишда ва мавжуд арилар систематикасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, тадқиқотларда уларнинг биоэкологик хусусиятлари ва тарқалиши, зоогеографик таҳлил қилиш, ҳақиқий арилар структураси ва динамикасини ўрганиш ва уларнинг шаклланишининг асосий қонуниятларини очиқ бериш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Курзенко Н. В. Сем. *Vespidae* - складчатокрылые осы / Н. В. Курзенко // Определитель насекомых Дальнего Востока России. Т. 4: Сетчатокрылые, скорпионницы, перепончатокрылые. Ч. 1. СПб. : Наука, 1995. С. 264-324.

2. Курзенко Н. В. Сем. *Vespidae* - складчатокрылые осы / Н. В. Курзенко // Аннотированный каталог насекомых Дальнего Востока России. Т. 1: Перепончатокрылые.

Владивосток : Дальнаука, 2012. С. 415-423.

3. Голуб В. Б. Коллекции насекомых: сбор, обработка и хранение материала / В. Б. Голуб, М. Н. Цуриков, А. А. Прокин. М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. 339 с.

4. Stephen A. Marshall. Insects Their Natural History and Diversity // With a photographic guide to insects of eastern North America. Published by Firefly Books Ltd. 2006. P. 732.